

ҲУМОЙ ҚАНОТИ

Эй, турқоода қавим, жондошу қондош, қардошу қариндош, елкадошу отдош тўғсон икки бовли ўзегим, бүгун солиҳ бун қурағон бошига давлат қуши Хумо қунадиған ва тақдирини ўзини белгилайдиган тарихидир. Эри бўлса, сарасида ол домининг бўйинида, ўз Кунтуғди Элигини — Ўзбекистон Президентини сайла ва жумхуриятини Мустақиллигини таяла! Бу — юз йилдан ортиқ ярим мустамлакачиликдан кейин сенга насб этган бирдан-бир имконият на имтиёз, бирдан-бир ҳақ ва ният.

Эшитингда бир дутф учун
Сўрайдиран ният.
Ишларинг покиза бўлсин,
Дуларинг ижобат.

Минг қатла шукур, туман йиллардан бери парла тушган қўларимиз очила бошлади, чўккан яғир елкаларимиз тўрилана бошлади, хуррият насимлари бағирларимизни эркадай бошлади. Қийин, аросатли замонага қолган эрсанда, увол ҳақимизни, ўзи беқиллигини танимоқдамиз. Нечунки, пода бўлиш жонжонимиздан ўтди, марказий бошқарини «пулти» тураларини боқамиз, деб пути ямин бўлиб кетдик. Бир иккимда яшасак ҳам етти қиронинг божини тўладик, Кремлга, Қўй, ўзининг аҳволинг қароб, еб-ичишини тайини йўқ, кийим-кечагинг жудуруқни, пахтаги, олтинни, ипакин, қорақўлини кам-қараминга ишлат, инсонча яша, демасдилар. Бизнинг замандай фирдавсмакон, бизнинг тулроқдай түтиб қайда дейсиз, бўғорғимизни таладилар, қонимизни яладилар. Ўрдансиз қўлда лоххўрак хон эркан, ўзини

миздан суралай ғоз чиқмади. Сатта московлик қоратқилар га-ғолади сайқола-римизда. «Отанг қузғун, онайг қузғун, сен кимдан бўлдинг ўзинг» деб, қадриятларимизни ерга урдилар. 74 йил сурункаси турнадан қорувул қўйдиқ, бошимиздан ийиқув аримиди. Мустақил сўзга ўйнаб, тубиниқини йўқотдик, имон ва ислофди, имом ва тусдан айрилдиқ шарият ва тариқатини мосуво қилдик. Истибоднинг асорати шу қадарим, оталар «Замон сенга боқмаса, сен замонага боқ» қабилда муқаддас Исом ва Муҳаммад исмлари турганда фарзандлари отларини Мэлс, Гога, Сосо, Миша қўйдилар. Ана тўқинишу мана чўқиниш!

Бичилган қул эдик нари-бериси,
Бошда қундуз эмас, така териси.
Кетмасди юракнинг дарду чериси,
Эрисини, тоғларнинг қори эрисини.
Шамол эсган ёққа сурувдай юрдик,
Тоғлар тўсган ерда қум бўлиб турдик.
Оғир тарвонларни саробга сурдик,
Эрисини, тоғларнинг қори эрисини.

Хайрият, бандасига Ҳақнинг нури ва қарами бор экан. Халқ қарғиши урган тузум тугади, СССР деган салтанат парчаланди. КПСС қўмондонлиги ушлат-га чекинди. Қум устига қурилган шохона маъмуриятни туғён супуриб ташлади. Елгонни ҳам лойдан ясаб, офтобда

қуришиб, қўлимизга тутқазиб қўйган устмонларнинг худо қўтарди. Кун чиқиб ва кун ботиш тўғуси, «Бўлис бўлмай, бўлувсиз кетгув»нинг бошини ўзининг қайта қуриш еди. Омин!

Бугун қамини завқаси ва бўй етган ўғлонлари-ила сайлов қутилари олдига боражак. Кимга ва нимага овоз берурмиз? Турган гап, жумхурият Президентига ва Ўзбекистон мустақиллигига! Элбекликка иккита муқобил номзод бор, бири — элпарвар сиестдон Исом Каримов, иккинчиси — адл шоир Муҳаммад Солиҳ, Иккаласиям мусулмон боласи, қўзимизнинг оқу қораси, Иккаласиям ўзбекининг қўналдоши, Бири — бошмолдоғим, бири — қорамолдоғим. Миллатдошу алатдош.

— Ўзбекистон — мустақил мамлакат!
— Ўзбекистон — миллатлараро ва фуқаролараро тотувлик ўлкаси!
— Ўзбекистон — инсон қамолоти қабасида, даргоҳидир!
— Ўзбекистон — тараққиётга юз тутган Ватан!

Исом Абдуғаниевичнинг асосий дас-тури ана шундай. Мустақиллик ниҳол-лари қўқариши учун тинчлик, осийиш-талиқ, тотувлик, миллатлараро чидам ва бардош қаб ўқидилар кераклигини ўқитиш, саяй-ҳаракат қилишти,

ислом динини, ҳатто Президент ҳам сарҳадсиз манба деб тан оляпти.

Муҳаммад Солиҳ ўзининг сайлов-олди сулугу ҳам жозибалиқдир. «Сай-ловчиларга тилақларингиз?» саволига шундай жавоб қилибди:

— Биринчи тилагим, улар доим соғ бўлишини ва ҳаммалари сайловда қат-нашсинлар. Иккинчиси, улар овоз берар эканлар, миш-мишларга эмас, ўз қалбларига қўлоқ солиб овоз берсинлар. Энг муҳими, жумхуриятимиз мустақиллиги учун ҳаммаси бирдай «ҲА!» деб овоз берсин. Агар бу воқеа юз берса, Президентликка номзод сифатида ютаманми, йўқми, барибир мен учун байрам бўлажак...

Бинобарин, ҳар икки номзод ҳам муносиб, эл ардоғида. Қай бирига Хумоюннинг сояси тўша ва қай бири туркча Адл рамиз Кунтуғди Элигиди улуғласа, дегайманки, ўзиндан чиққан тепанг баланд бўлсин, адолатига қувват, байроғига нусрат берсин!

Эл қўрига жонинг нисор айлағум,
Исом этиқоди-ила сайлағум.
Айвонин қайвонсиз богда найлағум,
Мардона эрк учун ўзини шайлағум.

Тарихнинг шаҳодат беришича, қурул-отдига биноан оқ кигиз устига ўтқазилиб, юқори қўтарилган, бошига ша-раф тожи қўйилган, Ҳозир бизда бу урф унут, муомалада йўқ. Бунинг ўр-нига бўлгуси Президентимизга мисранг салла ўратиб ва кимхоб чопон кийги-зиш жоиз. Яна бир удум, Шарият пеш-волари раво қўрсалар, жума намозига давлат бошлиғининг номи хутбога қў-шиб ўқитилсин. Илло биз ҳар қандай андишани йиғиштириб қўйиб, чин му-стақиллигининг орзуаман илк онларига, ноқ ўзимизга хос, шарқона йўлдан дадил бораёйлик.

КЎЗ ҚОРАЧИГИДЕК АСРАЙЛИК



сифатида бундай тараққиёт томон қадам ташлаётган давлатимиздан қўп нарсани кута-ман. Айниқса, пахтачи-ликда қилиниши керак бўл-ган ишлар кўп. Республика Президентининг фармонлари деҳқонларимизга анча енгиллик яратди. Бу соҳада ривожланган хорижий дав-латлар даражасига етиши-миз учун ҳали жуда кўп ишлар адо этилиши зарур.

Биз биринчи навбатда хом ашё етиштирувчи ўлка бўлишдан воз кечишимиз зарур. Экин майдонларимиз-га турли-туман мева-чева экиб, махсулотини ўзиниз-да қайта ишлашни йўлга қў-йишимиз керак. Шу билан бирга қишлоқларимизда май-да саноат цехлари қуриш-ни тезлантиш. Бу борада районимизда ҳам баъзи иш-лар амалга оширишмоқда.

Районимизнинг асосий экин майдони пахтаги таш-кил эгиди. Ҳозир йилда бу экиннинг 17,4 минг гектарда етиштирилади. Река ошми билан бақарилиб, гектари-дан 25 центнердан ошириб ҳосил қўтардик. Гўшт, сут, мева ва сабазот соҳасидаги йиллик топириқлар ҳам ушладилар. Айни пайтда да-латларда қишки ишлар қиз-иб. Бу келгуси йил ҳосили-га замин яратётганимиздан дарак беради.


Сайлов кунин Республика-миз мустақиллиги ва И. Каримов номзоди учун овоз бераман. Кўпчилик аҳоли-мизнинг фикри ҳам шундай. Чунки одамларимиз ўз тақ-дирларини республикамиз мустақиллиги билан боғла-моқдалар.

Б. ТОЖИЕВ,
Пахтакор район Кенеш-нининг раиси.

КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Ҳар биримиз сайлов қўтилари олдига келиб, мустақил республикамиз, миллатим

Мустақиллик, тотувлик, халқ бахт-саодати деб...



ХАЁТБАХШ ТАДБИРЛАР

Кўп болали оилаларнинг моддий аҳволини, ёш авлоднинг ўсиш шароитларини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳисобга олиниб, Ўзбекистонда кўп болали оналарга ҳар ойда тўланадиган нафақа миқдори 1990 йил 1 июлдан бошлаб икки баравар кўпайтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти.
И. КАРИМОВ.

1990 йил 1 июлидан бошлаб УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ, байналмилалчи жангчилар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари квартира ҳақи тўлашдан озод қилинсин. Улуғ Ватан уруши ноғиронлари учун кўзда тутилган имтиёзлар барча уруш қатнашчилари ва байналмилалчи жангчиларнинг коммунал хизмат (сув, газ, электр ва иссиқлик энергия таъминоти) ҳақини тўлашга, марказий иситиш системасига уланмаган уйлarda яшовчилар учун, аҳолига сотиш учун белгилаб қўйилган норма доирасида харид қилинадиган ёқилғи ҳақи жорий этилсин.

1990 йил 8 май.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИНИ рўёбга чиқаришда аҳоли шахсий хўжаликлари-нинг муҳим ўрин эгаллашини ҳисобга олиб ва чорвачилик маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш учун уларни ем-хашак билан таъминлаш зарур деб ҳисоблайман.

«ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ҲОФИЗИ» ФАХРИЙ УНВONI ТАЪСИС ЭТИЛСИН.

1990 йил 26 июнь.

1990—1992 йилларда 1,7 миллион қишлоқ аҳолисига водопровод тармоғидан ичимлик сув ва қишлоқдаги 330 мингта уй-жой ҳамда квартирага табиий газ бериш таъминлансин.

1990 йил 28 июль.

1990 йил КЎЗГИ ЧАҚИРИҚДАН БОШЛАБ ЖУМҲУРИЯТ ИЙГИТЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОНДАН ТАШҚАРИДА ЖОЙЛАШ-ГАН ҲАРБИЙ-ҚУРИЛИШ ҚИСМЛАРИГА ЧАҚИРИШ ТЎХТАТИЛСИН.

1990 йил 4 сентябрь.

БАРЧА АСПИРАНТЛАР, ОЛИЙ УҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ ТАЛАБАЛАРИ ВА ЎРТА МАХСУС УҚУВ ЮРТЛАРИ, ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1990 йилнинг 1 сентябридан 30 фоизга қадар кўпайтирилсин.

1990 йил 4 сентябрь.

1991 йилнинг 1 январидан ЮҚОРИ (V—XI) СИНФЛАР ўқитувчиларининг иш ҳақи ва дарс соатларини ҳафтасига 18 соатдан 16 соатга камайтириш ҳисобига ойига 15 фоизгача оширилсин.

1990 йил 13 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ-КООПЕРАТИВ ҚЎМИТАСИНИ Ўзбекистон ССЖ Қишлоқ хўжалиги жумҳурият вазирлигига Ўзбекистон ССЖ Қишлоқ хўжалиги вазирлигига айлантириш тўғрисидаги Ўзбекистон ССЖ Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив қўмитаси кенгаши ва ҳайъатининг таклифлари қабул қилинсин.

1990 йил 8 декабрь.

1991 йилнинг 1 апрелидан ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ СИСТЕМАСИНИНГ ИЛМИЙ ТАШКИЛОТЛАРИ, Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги, ВАСХНИЛ Урта Осиё бўлими, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги... жумҳурият давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бошқа ташкилотлар раҳбар, илмий ва бошқа ходимларнинг мансаб маошлари 30 фоиз оширилсин.

1991 йил 12 февраль.

ЎЗГАЛАР ПАРВАРИШИГА МУҲТОЖ ЕЛ-ФИЗ ПЕНСИОНЕРЛАРНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ПАСТЛИГИНИ ҲИСОБГА ОЛИБ, инсонпарварлик, меҳр-муруват туйғусидан келиб чиқиб ва шу тоифадаги пенсионерлар ижтимоий жиҳатдан ҳимояланишини таъминлаш мақсадида улар уй ҳақи, коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинсин.

1991 йил 27 май.

РЕСПУБЛИКА ЖАМОА ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИГА 1991 йилда етиштирилган дон (бугдой) ҳосили-нинг ортиқчасини ғалла ўрими учун натура ҳолида тўловга қўшимча равишда ҳар бир қишлоқ оиласига, жумладан пенсионерлар, врачлар, ўқитувчилар ва аҳолининг бошқа тоифалари оилаларига камидан 100 килограмм дон (бугдой) сотишга рухсат этилсин.

1991 йил 31 май.

«ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КўР-САТГАН ПИЛЛАЧИ» ФАХРИЙ УНВONI ТАЪСИС ЭТИЛСИН.

1991 йил 1 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВ «ПАХТА ИШИ» БИЛАН СУДЛАНИБ, республика ҳудудидаги аҳоли-тузатиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларни авф этиш тўғрисидаги фармонга имзо чекди. Шунга кўра жуда кўпчилик маҳбуслар қолган жазо муддатини ўташдан озод этилдилар.

1991 йил - декабрь.

ҚИЁМАТ ҚАРЗ

Захматнаш бир деҳқон бор эди. Умри поёнига етиб, жон таслим қилиш чоғида пичирлаб сўнгги сўзини айтди: — Қараларингиз халос бўлдиминикина, парвардигор!

— Қандай қараларингиз бор эди, дада? — шовиш сўради унинг бошида ўтирган ўғли, — айтгин, жонимни тикиб бўлсам узама!

Ота жавоб беришга улгурмай, абадий кўз юмди.

«Дадам кимлардан қардор эканлар-а? — кўп бош қотирди ўғлон, Узоқ-яқин қариндош-уруғлардан, отасининг таниш-билишлари-ю, ёр-биродарларидан сўради. Қишлоқдаги ҳар бир хонадонга қилиб чиқди.

— Раҳматлик дадангизнинг бировларга пул қарз берганларининг кўп гувоҳи бўлганимизу бировдан қарз сўраганларини сираям кўрмаганимиз, — жавоб берди кўпчили.

Йиллар ўтди. Йигит ота касбини ағаллади, дала-дашда бугдой етиштириб, ҳалол меҳнат авазига кун кечирарди. Бир кун хирмонда дон шошираётганида, унинг олдида юзидан нур ёғилиб турган бир мўйсифид келди.

— Мен ҳазрати Хизирман, — ўзини таништиради у, — раҳматлик отангиза намолди мурувватли, одамхон киши эдилар. Уша падари буруқворингиз ҳақидан, ўзингизнинг меҳнаташлигингиз ҳурматидан, айтгин, қандай ораву-умидларингиз бор? Ҳозирроқ бажо келтирайман.

Йигит ҳақон ўйда эди. — Э-эр йигитнинг қаноти — от, Балки бирор туплор мингига келаётгандир? Айтгин тортинмай, Малол олмайман.

— Менинг дунёда энг катта орзуим — қарзсиз яшаш! — ниҳоят юрагини очди йигит, отасининг жон бериш олдидан ҳўрсини айтган сўзларини эслаб. Хизир бобо бош эгиб, соқолини сйлаб қолди.

— Бошқа ҳар қандай истагингизни бажариш қўлимдан келгай. Аммо бу ниятигизга етказмоққа ожизман, ўғлон. Сабабини, ҳозирнинг ўзида бўйингизда бир дунё қарз бор.

— А? Ҳеч кимдан пул-мол сўраганим йўқ эди-ку?

— Сўраб олмаганингиз рост. Лекин ақл югуртириб кўринг, ўғлим, ота-онанинг сизни шу ёшга етказганча, озмунча заҳмат торттишганими? Шуларга жавобан нима қилдингиз? Опа-акаларингиз сизни опча-лаб, сўйиб, аркалатиб ўстиришди. Бу меҳр-муҳаббатнинг юздан бирини қайтардингизми? Сув ичаётганингизда ариқ қазинганларни, нон еб турганда ғаллақорни, иссиқ кўрпада ётганингизда пахта етиштирган, мато тўқиганларни эслайсизми? Хуллас, табиат яратган, инсон қўли бирла бунёдга келган, фойдаланаётган ҳамма нарсанинг — сиз учун қарз, ўғлим.

Йигит бир нуктага тикилганча, ломим деёлмай турарди.

— Бу даралардан қандай қутулиш мумкин, отахон?

— Бунинг учун аввало инсон бўлмоқ, бурчин тўла адо этмоқ, авлодлар қолдирган меросни эъзозлаб, уни бойитишга уринмоқ, яхшилик билра нон қолдирмоқ лозим. Раҳматлик дадангиз ана шундай одам эдилар.

Йигит отасининг ёруғ жаҳон билан видолашиш олдидан айтган сўзларининг маъносини энди тушуниди.

М. АВДУКАРИМОВ.



«Спутник» халқаро ёшлар сайёҳлигининг Самарқанд

бюроси чет эл фирмалари билан бевосита алоқа ўрнат

ди. Жаозордан келган сайёҳлар делегациялар алмашиш

бўйича Ўзбекистонга келган биринчи гуруҳ бўлдилар.

Улар кўна шаҳарлар — Самарқанд ва Бухорони зиёрат

қилдилар. қадимий обидалар, ўзбек оилалари турмуш ша

ронлари билан танишдилар, масжидларда фаоллият юрита

ётган мусулмон диний мактабларида бўлдилар.

СУРАТДА: меҳмонлар кўна Бухорода.

Р. ҒАФУРОВ олган сурат.

(ЎзТАГ).

ЭНГ СОВУҚ

ҚИТЪА

Ёқутистон ўлкаси кўпдан дунёнинг энг совуқ жойи ҳисобланарди. Бу ерда қиш кунларни 60 даража совуқ бўлади. Гоҳида ҳарорат — 70 даражага ҳам тушади. 1938 йили эса Оймаконда — 77,8° даража совуқ қайд этилган. Фақат Антарктидада паст ҳарорат жикатдан Ёқутистон билан рақобат қилиш мумкин.

Жумладан, 1983 йили Антарктидадаги «Восток» совет станциясида — 89,2 даража совуқ рўйхатга олинган. «Восток» станциясини денгиз сатҳидан 3488 метр баландликда, яппи музликлар ўртасида жойлашган. Зотан, бу ердаги йиллик ўртача ҳарорат — 55,6 даража совуқни ташкил этади. Дунёнинг бошқа бирон жойида бундай йиллик ўртача паст ҳарорат қайд этилмаган.

НОДИР КИТОБ ЗАРВАРАҒИ

«ҲАЁТУЛ ҲАЙВОН» АСАРИДАН

Бу қушнинг қаноти ниҳоятда кучли, тез учади. Ҳеч нарсдан қўрқмайди. Шундай гаплар борки, у тулки, ҳатто бурчин ҳам тутиб, бир оёғи билан бошдан, иккинчи оёғи билан белдан чапаллаганча осмонга кўтарилади-да, ўлкасини ташлаб юборади.

Оам ерга тушиб, нобуд бўлишни биллиб, уни яна чапаллаб олади-да, эгаси (овчи) ёнига келтиради. Қушлар орасида соҳибига садоқат кўрсатишда лочинга тенги йўқ.

ЛОЧИН ВА ХҲРОЗ

Бир кун лочин хўрозга юзланган: — Бунча одобсизан! — деди. Хўроз эса кеккайиб: — Мени нега одобсиз, даясан! — деб сўради.

Лочин айтди: — Сен туҳум эдинг. Она товуқ сени очди. Жўжалигингдан дон бериб бокди. Катта бўлганингда эса бир қанча товуқларга эгадор бўласан. Бу ҳам етмагандек, қушнингнинг товуқларига ҳам кўз олайтирасан.

Мендан ибрат олсан-чи! Тоғдан келдим. Эгам мени оғза олиб чиқса, ўлгани тутиб, унга келтиради бераман. Узим амак, хўжам берганига қанаот қилганам.


КИСКИЧБАКА

Бу жониворнинг арабча номи саратондир. Саккизта оёғи бор, аммо юриши тез. Оёқларида тирноқлари ҳам мажму. Қўрған одам уни боқиб, кўзидан думсиз, деб ўйлаши мумкин. Қўзлари бунда, оғзи кўсида бўлур экан. Бир йилда олти марта тери ташлар экин.

Териси қуруқликка қолса, тошдек қотиб қолар экан. Табиблар уни янчиб-майдалаб, сурма тайёрлар эканлар. Демак, сурма қисқичбаканинг терисидан эсылар экан-да. Сурмани кўзга суртиб юрлса, уни равшан қилур экан.

Қисқичбакани сўйиб, гўшти ўқ парчаси қолган жойга боғласа, уни чиқариб ташлар экан. Гўштини пишириб, сил қасаллигига грифтор бўлган кишига едирлса, даво бўлур экан.

Тайёрловчилар: Х. ҚОРАБОВ, А. НАБИХҲАЕВ.



ЭНГ ЕШ ЖИНОЯТЧИ

Тўрт яшар Мухаммад Карни Мисринин